



**Умумий ўрта таълим мактаблари информатика ва ахборот технологиялари
фани ўқитувчилари масофавий таълим технологиялари асосида методик
компетентлигини ривожлантиришнинг айрим муаммолари ва ечимлари**

Хуррамов Баҳодир Саппарович

Ўзбекистон Республикаси

Хукукни муҳофаза қилиш академияси,

“Электрон таълим” бўлими ходими

Тел.: +998-99-744-44-03

Телеграм манзили: @bahodir_xurramov

Эл. манзил: bbbxurramov@gmail.com

Аннотация: Мақолада умумий ўрта таълим мактаблари информатика ва ахборот технологиялари ўқитувчиларида масофавий таълим технологиялари асосида методик компетентликни ривожлантиришдаги асосий муаммолар ва уларнинг ечимлари таҳлил қилинган. Тадқиқотда техник инфратузилма, педагогларнинг рақамли саводхонлиги ва методик ресурсларнинг чекланганлиги асосий муаммолар сифатида кўрсатилган. Мақола мазкур муаммоларни бартараф этишга қаратилган илмий-амалий тавсияларни ўз ичига олади.

Калит сўзлар: масофавий таълим, методик компетентлик, информатика ўқитувчилари, ахборот технологиялари, педагогик малака, рақамли саводхонлик, таълимда инновациялар, методик ресурслар.

Аннотация: В статье проанализированы основные проблемы и их решения в развитии методической компетентности учителей информатики и информационных технологий общеобразовательных школ на основе технологий дистанционного обучения. В исследовании выделены такие ключевые проблемы, как недостаточная техническая инфраструктура, уровень цифровой грамотности педагогов и



ограниченность методических ресурсов. Статья содержит научно-практические рекомендации, направленные на устранение указанных проблем.

Ключевые слова: дистанционное обучение, методическая компетентность, учителя информатики, информационные технологии, педагогическое мастерство, цифровая грамотность, инновации в образовании, методические ресурсы.

Abstract: The article analyzes the main problems and solutions related to the development of methodological competence of informatics and information technology teachers in general education schools based on distance learning technologies. The study identifies key issues such as insufficient technical infrastructure, teachers' digital literacy levels, and limited methodological resources. The article includes scientific and practical recommendations aimed at addressing these challenges.

Keywords: distance learning, methodological competence, informatics teachers, information technology, pedagogical skills, digital literacy, educational innovations, methodological resources.

Замонавий рақамли технологиялар таълим соҳасидаги ўзгаришларни чуқурлаштириб, таълим жараёни янги босқичга олиб чиқмоқда. Жумладан, умумий ўрта таълим мактаблари информатика ва ахборот технологиялари фани ўқитувчилари учун масофавий таълим технологиялари асосида методик компетентликни ривожлантириш устувор вазифалардан бирига айланди. Масофавий таълим педагогларга замонавий билимларини ошириш, инновацион педагогик усулларни жорий этиш ва тажриба алмашиш имкониятини тақдим этади.

Бугунги кунда замонавий рақамли технологиялар таълим соҳасида чуқур ўзгаришларга сабаб бўлмоқда. Хусусан, умумий ўрта таълим мактаблари информатика ва ахборот технологиялари фани ўқитувчилари учун масофавий таълим технологиялари асосида методик компетентликни ривожлантириш муҳим вазифалардан бирига айланди. Масофавий таълим педагогларга янги билимларни



ўрганиш, тажриба алмашиш ва таълим жараёнида инновацион усулларни қўллаш имконини беради.

Рақамли технологиялар соҳасидаги ривожланишлар глобаллашув жараёни билан бир қаторда ижтимоий-иқтисодий соҳаларда самарадорликни ошириши билан бирга, инсон онги ва жамиятнинг маънавий-ахлоқий муҳитига салбий таъсир кўрсатувчи янги муаммоларни ҳам юзага келтирмоқда. Шу нуқтаи назардан, рақамли технологияларнинг тарқалиши ва улардан фойдаланишнинг ижтимоий-психологик оқибатлари илмий тадқиқотларнинг асосий мавзуларидан бирига айланмоқда.

Давлатлар тараққиёти тарихий тажрибаларга таянадиган бўлсак, мустақил давлатлар тараққиётида ёшларни таълим ва маънавий тарбиялашга устувор аҳамият бериш самарали давлат сиёсатининг муҳим элементи саналади. Бу йўналишдаги ислохотлар ижтимоий барқарорлик ва инновацион салоҳиятнинг ошишига кўмаклашган.

Ўзбекистон Республикаси томонидан мазкур соҳада тизимли ислохотлар амалга оширилмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 23 сентябрдаги “Таълим тўғрисида”ги ЎРҚ-637-сонли Қонуни, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 5-октябрдаги “Рақамли Ўзбекистон – 2030” стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисидаги ПФ-6079-сонли ҳамда 2023 йил 11 сентябрдаги “Ўзбекистон - 2030” стратегияси тўғрисидаги фармонлари билан таълим олиш шаклларида бири сифатида масофавий таълим алоҳида қайд этилган.

Мазкур қонун ҳужжатларида масофавий таълимни ташкил этиш тартиби, шунингдек, таълим соҳасида инновацион ёндашувларни жорий этиш, жумладан, масофавий ва аралаш таълим шакллари ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратиш белгиланган.



Стратегияларда таълим олувчиларнинг замонавий билим ва кўникмаларга эга бўлишини таъминлаш мақсадида рақамли таълим ресурсларини яратиш ва улардан самарали фойдаланиш вазифалари устувор йўналиш сифатида белгиланган.

Мамлакатимизда рақамли технологиялари соҳасида илмий тадқиқотлар ва инновацион лойиҳаларни қўллаб-қувватлашга қаратилган давлат дастурлари амалга оширилмоқда, бу эса ёш олимларнинг халқаро илмий ҳамжамият билан интеграциясини таъминлаш ҳамда IT-секторда рақобатбардош кадрларни тайёрлашга хизмат қилмоқда.

Шу билан бирга, рақамли технологияларнинг иқтисодиёт ва давлат бошқаруви тизимларидаги ўрни ошиб бораётгани ҳолда, уларнинг ижтимоий, ҳуқуқий ва маънавий муаммоларига жавоб бериш мақсадида илмий-тадқиқот ва ҳуқуқий нормаларни такомиллаштириш долзарб аҳамият касб этади.

Бугунги ёшлар зийрак, ақлли ва замонавий рақамли технологияларга, жумладан информатика ва ахборот технологиялари фанларига юқори даражада мойиллиги билан ажралиб туради. Ушбу ёшларга таълим-тарбия беришда ҳамда ўқув жараёнини амалга оширишда ўзига хос қийинчиликлар, муаммолар ва кутилмаган вазиятлар юзага келиши педагогларда муаммоли ҳолатларни келтириб чиқармоқда.

Ҳар бир педагог ўз олдида шундай мақсад қўйиши зарурки, ўқувчиларнинг салбий жиҳатларини таҳлил қилиш билан чекланмай, балки уларни борлигича қабул қилган ҳолда, ўз билим ва кўникмаларини информатика ва ахборот технологиялари соҳасидаги замонавий технологиялар, педагогик жараёнлар ҳамда тарбия назариялари асосида бойитиб, кутилмаган ҳолатлардан ўқув жараёнига ижобий ёндашув усулларини излаш ва амалга ошириш кўникмаларини ривожлантириши керак. Бугунги педагогга қўйилган асосий талаб шундан иборат.

Бу нафақат ўқувчининг, балки дарс бераётган ўқитувчининг мутахассислик соҳасидан ташқари, таълим-тарбияга қаратилган барча компетенцияларини ҳам чуқурлаштириш ва ривожлантиришни талаб қилади. Шу нуқтаи назардан,



умумтаълим мактабларида информатика ва ахборот технологиялари фанлари ўқитувчиларининг компетентлигини оширишда айрим муаммоли масалалар ҳали тўлиқ ҳал этилмаганлигини ҳам кузатиш мумкин.

Хўш, бундай муаммолар нималардан иборат ва уларни қандай йўллар билан бартараф этиш мумкин?

Биринчидан, ўқитувчининг ўқувчи шахсига нисбатан тўғри муносабатни шакллантириш компетентлигини ошириш зарур. Айрим ҳолатларда ўқитувчи ўқувчининг салбий томонларига кўпроқ эътибор қаратиб, таълим ва тарбиянинг уйғунлиги бузилиши мумкин. Бундай вазиятларда ўқитувчи ўзининг психологик ва педагогик билимларини чуқурлаштириши талаб этилади.

Иккинчидан, ўқитувчининг ўқувчилар билан самарали алоқа ўрнатиш компетентлигини ривожлантириш муҳимдир. Кўпинча дарс жараёнида ўқитувчи ўз фикрига урғу бериб, ўқувчиларнинг фикр-мулоҳазаларига етарлича эътибор қаратадиган эмас. Бу эса ўқитувчи ва ўқувчи ўртасидаги тўсиқларнинг пайдо бўлишига ва ўқувчиларнинг дарсга фаол иштирок этишининг камайишига сабаб бўлади. Бундай ҳолатларда ўқитувчилар педагогик технологиялар ҳамда бола шахсига йўналтирилган психологик билимларини бойитишлари зарур.

Учинчидан, ўқитувчининг тарбия бериш компетентлигини оширишга алоҳида эътибор қаратилиши керак. Ҳар бир замонда таълим ва тарбиянинг ўзаро уйғунлиги устувор аҳамиятга эга бўлиб, синфдаги ўқувчиларнинг дунёқараши ва тарбияси хилма-хил бўлиши сабабли, уларга индивидуал ёндашув талаб этилади. Баъзида ўқувчининг дарсдаги нотўғри хулқ-атвори учун ўқитувчи қаттиқ қайғуради, бироқ у синфдаги ҳар бир ўқувчининг келажаги учун масъул эканлигини англаб, тарбияни тўғри олиб бориши зарур. Бу мақсадга эришиш учун ўқитувчи тарбия назариясига оид билимларини чуқурлаштириши ва замонавий таълимга йўналтирилган адабиётларни фаол ўрганиши лозим.

Тўртинчидан, ўқитувчининг таълим бериш компетентлигини ривожлантириш талаб этилади. Кўп ҳолларда ўқитувчиларни барча синфлар учун бир хил таълим



йўналиши асосида ўқитишга уринишади, чунки ҳар бир синф учун алоҳида дарс ишланмаларини тайёрлаш қўшимча меҳнатни талаб қилади. Бир усул ёки дарс методикаси бошқа синфда самара бермаслиги мумкин. Шунинг учун ўқитувчининг таълим бериш усули синфдаги ўқувчиларнинг билим ва кўникмаларини ўзлаштириш даражасига мослаштирилган бўлиши зарур. Бундай вазиятларда ўқитувчи инновацион усуллар ва илғор педагогик тажрибаларни чуқур ўрганиб, амалиётга татбиқ этиши талаб этилади.

Жаҳон тажрибаси таҳлиliga асосланиб, таълим ва педагогик компетенцияларни ривожлантириш борасида қуйидаги қўшимча тавсия ва йўналишлар қайд этиш мумкин:

Инновацион педагогик технологияларни жорий этиш Дунёда кўплаб ривожланган мамлакатларда таълим жараёнига лойиҳалаштириш асосидаги таълим (Project-Based Learning), муаммо асосида ўқитиш (Problem-Based Learning), ҳамкорликда ўрганиш (Collaborative Learning) каби интерактив ва тадбиркорликка йўналтирилган педагогик усуллар кенг жорий этилади. Булар ўқувчиларнинг танқидий фикрлаш ва муаммоларни ечиш қобилиятларини ривожлантиришда муҳим аҳамиятга эга.

Педагогларнинг доимий касбий ривожланиши учун платформа ва имкониятларни кенгайтириш - глобал амалиётда педагогларнинг малакасини ошириш учун онлайн курслар, вебинарлар, халқаро конференциялар ва малакани сертификатлаш тизимлари жорий қилинган. Бу имкониятлар педагогларга илмий янгиликлар ва замонавий усуллардан доимий бохабар бўлиш имконини беради.

Шахсга йўналтирилган таълим ва индивидуаллаштирилган ёндашув - дунёнинг ривожланган таълим тизимларида ҳар бир ўқувчининг ўқиш тезлиги, қобилиятлари ва қизиқишларига қараб таълим жараёни индивидуаллаштирилади. Бу таълим самарадорлигини оширишда муҳим ўрин тутди.

Рақамли саводхонлик ва ахборот хавфсизлиги таълими - ҳозирги замонда ҳар бир педагог ва ўқувчи рақамли технологияларни тўғри ва хавфсиз қўллай олиш



учун зарур билимларга эга бўлиши шарт. Бундай билимлар таълим жараёнига интеграция қилиниб, махсус дастурлар орқали ёшларга етказилади.

Психологик кўмаклашиш тизимининг ташкил этилиши - дунё тажрибасида ўқувчилар ва педагогларнинг психоэмоционал ҳолатини мустаҳкамлаш мақсадида мактабларда психологик хизматлар, тренинглар ва мотивацион дастурлар фаол амалга оширилмоқда.

Инклюзив таълим тизими - ривожланган мамлакатларда таълим тизими барча ўқувчилар учун, уларнинг саломатлик ҳолати ва имкониятларидан қатъи назар, тенг ҳуқуқ ва имкониятлар яратиш асосида ташкил этилган.

Жаҳон тажрибасидан келиб чиққан ҳолда таълим ва педагогик компетентликларни ривожлантиришда инновацияларга очиқлик, доимий ўқиш ва методик тажриба алмашинуви, индивидуал ёндашув ҳамда психологик қўллаб-қувватлаш тизимларини жорий этиш устувор вазифалар қаторида қаралади.

Умуман олганда, таълим жараёнини ривожлантириш ва самарали натижаларга эришишда малакали ва компетентли ўқитувчининг ўрни бекиёсдир. Педагогнинг асосий вазифаси – таълим муҳитини ташкил этишдир, чунки ана шундай муҳитда ўқувчининг билим олиш имкониятлари янада кенгайди. Ҳозирги замон ўқитувчиси доимий изланишда бўлиши ва “ўқувчига нима ўргатиш керак?” деган саволларга аниқ илмий асосланган жавоб топиши шарт.

Педагогик фаолиятда касбий компетентлик тушунчаси ўқитувчининг реал ҳолатларда юзага келадиган касбий масалаларни ҳал этиш қобилиятини белгилайдиган шахсий ва касбий сифатларнинг уйғунлигидан иборатдир. Бу жараёнда ўқитувчи ўз билими, маҳорати, тажрибаси, қадриятлари, қарашлари, қизиқишлари ва қобилиятини фаол равишда ишлатади.

Ўқитувчи касбий компетентлиги ўқувчиларнинг ўқиш жараёнидаги кўникмаларини ривожлантириш, турли режаларни қўллаш бўйича маслаҳат бериш ва самарали қайта алоқа таъминлашда намоён бўлади. Демак, касбий компетентлик ноанъанавий усуллар орқали ўқувчиларнинг ҳаракатларини қўллаб-қувватлаш,



кийинчиликларни енгигашга ёрдам бериш, индивидуал таълимга кўмаклашиш ва ўқувчиларнинг эҳтиёжларини таҳлил қилишни ўз ичига олади.

Ҳозирги кунда ахборот технологияларининг ўқувчиларга таъсири ижобий ва салбий томонларини ҳам ўз ичига олади. Замонавий қурилмалар, жумладан компьютер, телефон ва бошқа ахборот технологиялари ёшлар саломатлигига салбий таъсир кўрсатиши мумкин, шунингдек маънавий соғлиққа зарар етказадиган информатсион таҳдидлар ҳам мавжуд.

Фойдаланилган адабиётлар ва манбаалар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 23 сентябрдаги “Таълим тўғрисида”ги ЎРҚ-637-сон Қонуни.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 6 ноябрдаги “Ўзбекистоннинг янги тараққиёт даврида таълим-тарбия ва илм-фан соҳаларини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6108-сон Фармони.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 25 январдаги “Халқ таълими соҳасидаги илмий-тадқиқот фаолиятини қўллаб-қувватлаш ҳамда узлуксиз касбий ривожлантириш тизимини жорий қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4963-сон Қарори.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 21 июндаги “Мактабгача ва мактаб таълими ташкилотлари ходимларининг узлуксиз касбий ривожлантириш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ - 231-сон Қарори.
5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 17 январдаги “Халқ таълими ходимларини узлуксиз касбий ривожлантириш тизимини ташкил этиш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида” 25-сон қарори.
6. Йўлдошев Ж.Ғ. Таълим янгиланиш йўлида. – Тошкент: Ўқитувчи нашриёти, 2000. – Б. 23-24.



7. Раджиев А.Б. Халқ таълими муассасалари раҳбар ходимларининг касбий ривожланишини ташкил қилишга замонавий ёндашувлар // Халқаро илмий-амалий конференция. – Наманган, 2020. – Б. 103-106.
8. Ибраймов А.Е. Масофавий ўқитишнинг дидактик тизими: амалий қўлланма – Тошкент: Lesson Press, 2020. – Б. 28-36.
9. Бегимқулов Ҳ.Ш., Халиков Э.М. Педагог-кадрлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлашда рақамли технологияларининг ўрни // НамДУ Илмий ахборотномаси. – 2023. – № 5. – Б. 390–393.
10. Маматалиев Т., Муродуллаев Ш. Масофавий таълимни ташкил этиш тартиби: методик қўлланма. – Тошкент: Sano-Standart, 2023. Б. 21-23.
11. Жуманиёзова М.Т. Ўқитувчининг касбий креативлигини такомиллаштириш технологиялари: монография. – Тошкент: Metodist nashriyoti, 2023. – Б. 125-146.